

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

О. К. Халилов

Жиззах Политехника институти катта ўқитувчи

xalilovorzikul@gmail.com

Г.О.Нуруллаева

Жиззах шаҳар 11-мактаб ўқитувчиси

Аннотаци

Оилавий хаёт фарзандларнинг инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беришини инобатга олсак, ота-оналарнинг маънавий бой, эътиқодли ва юқори маданиятга эга бўлиши зарур. Оила ва оилавий тарбия муаммолари ичida ота-оналарнинг тарбиячилик маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир.

Аннотация

Учитывая, что семейная жизнь позволяет детям развивать свою личность в человеческих отношениях, родители должны быть духовно богатыми, верными и высококультурными. Среди проблем семьи и семейного воспитания повышение воспитательной культуры родителей и просвещение их по вопросам общего воспитания является одной из наиболее актуальных проблем современности.

Abstract

Given that family life allows children to develop their personality in human relationships, the parents of the valley should be spiritually rich, faithful and highly cultured. Among the problems of the family and family upbringing, raising the educational culture of parents and enlightening them on issues of general upbringing is one of the most urgent problems of our time.

Калит сўзлар: оила, ота-она, тарбия, ёшлар, комил инсон, оилавий муносабатлар, объектив, субъектив.

Ключевые слова: семья, родители, воспитание, молодежь, совершенный человек, семейные отношения, объективное, субъективное.

Key words: family, parents, upbringing, youth, perfect person, family relations, objective, subjective.

Хукуқий демократик ваadolатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда тарбиянинг вазифаси ҳар томонлама етук, эркин ва мустақил фикрга эга бўлган комил инсонни ва етук кадрларни тарбиялашдир.

Жамиятнинг моддий ва маънавий камолоти ёшларни турли ижтимоий вазифаларни бажаришга, тўпланган муносабатларга доир тажрибаларга, моддий ва маънавий қадриятларга ҳар томонлама ва узоқ тайёрлаш лозимлигини талаб этмоқда. Оилавий тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омилларни билмоқ лозим. Объектив омилларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савияси, уй-жой билан таъминланиш даражаси, мактабгача муассасалардан фойдаланиш, шунингдек, оила аъзоларининг сони, таркиби ва бошқаларни киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумот, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, отаоналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар киради. Ота-онанинг фарзандга меҳр-муҳаббати ҳамма нарсадан ҳам қимматроқдир.

“Ота-она болани дунёга келтирсанликлари учун эмас, уни одобли, аҳлоқли қилиб вояга етказганликлари учунгина олқишига сазовор бўладилар”. Ҳадисдан.

Оилада соғлом муҳитни шакллантириш, фарзандларнинг камолга етишлари учун имконият, шароит яратиб бериш ота-онанинг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда ота-оналар олдида ғоят катта масъулият ва меҳнат турганлигини англашлари лозимдир.[1]

Фарзандни тарбиялаш учун аввало ота-онанинг ўзлари тарбияланган бўлишлари, маънавиятли ва маърифатли бўлишлари лозимдир. Айниқса, ота-оналар ўзларининг меҳнат фаолиятлари, хулқ-атворлари орқали фарзандларига намуна бўлишлари лозим. Оила ва оилавий тарбия муаммолари ичida ота-оналарнинг тарбиячилик маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг тарбиячилик маҳоратларини ошириш ниҳоятда зарур.

Ота-оналарнинг ҳаётий тажрибаси, бир-бирига ҳурмати, меҳр-муҳаббати, садоқати, ҳамфирлилиги, иймон-инсофлилиги, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги фарзандлар учун камолот мактаби бўлган. Бу мактабда барча бир умр унутилмайдиган, эътиқодига чуқур сингадиган сабоқ олган. Ўғил-қизлар учун аҳил, садоқатли, ҳалол, меҳнатсевар, иймонли-инсофли, ота-она оғушида тарбияланишдан юксак баҳт бўлмайди. Фарзанд олдин ота-она ибрати моҳиятини рухан, вижданан, ақл-идрок билан англайди, кейин шу эътиқоддан келиб чиққан ҳолда ҳайрли ишларга қўл уради. Ҳаётда оғир-енгилликларни кўп кўрган ҳалол меҳнат қилиб кун кўришга ўрганган ота-она ўз фарзандларига яхши тарбия бериш имкониятига кўпроқ эга бўлади.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик ўюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни

намоён қиласы. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон-бир тавсиялар бериш нокулай ва қийиндир. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, мукофотлаш, жазолаш, сухбат ва ҳикоя, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари, болалари билан биргалиқда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар. Болалар фаолиятида иштирок этиш уларга тарбиявий таъсир кўрсатишининг энг самарали усулидир. Агар болалар ота-оналарининг машғулотларига ўта қизиқиш билан муносабатда бўлишса, улар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топади. Болалар ота-оналаридан, ака ва опаларидан ўзаро муносабат мезонларини ўрганиб, нима яхши-ю нима ёмон, нима фойдали-ю ва нима зарарли эканлигини билиб оладилар, улар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўладилар. Бундан ташқари, оила тажрибали ва касби жихатидан турлича ёшдаги кишиларни бирлаштириб туради. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётй тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар болалар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади, болаларнинг қизиқишлигини ўстира олишади. [2]

Тарбия масаласига ёндашадиган бўлсак, кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда болалар тарбияси анча енгил кўчади. Чунки кўп болали оилалардаги болалар ота-оналарининг хатти-харакатларини, ака ва опаларининг улар ўртасидаги ғамхўрликларини, айниқса, бир-бирларига бўлган дўстона муносабатларини, уйдаги ҳар хил вазифаларни сидқидилдан бажаришларини, кичикларнинг катталарга одоб билан муносабатда бўлишларини табиий ҳолда кўрадилар, кузатадилар. Ўзларида ҳам ана шундай ахлоқий сифатларни шакллантириш истаги вужудга келади. Шу сабабли бир қанча болалари бўлган оилада ота-оналарнинг ғамхўрликлари ўзига хос хусусият касб этади. Бундай ғамхўрлик teng тақсимланган бўлади.

Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар ўртасида турли кўринишлардаги меҳр-муҳабbat ва дўстлик қарор топади. Оилавий ҳаёт болаларни инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беради. Кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда шундай ҳаётй вазифалар мавжуд бўладики, масалан, катта акагача ва кичик укагача бўлган меҳр-муҳабbat, яъни бир-биридан фарқланувчи ҳиссиётни, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида бир-бирлари билан нарсаларнинг teng айирбошлиш ва бошқалар пайдо бўлади. [3]

Бола тарбиясига кўп вақт сарф қилинади. Лекин оилада туғилган якка фарзанд катталарнинг жонли ўйинчофи, севиклиси, катталарнинг дикқат маркази, қувончи ва эркатойи сифатида вояга этади. Унинг бирон нарсадан норозилиги ва йигиси ота-она дунёсини қоронfilaштиради. Ўзлари емай- ичмай, якка фарзандларини оқ тараб, кийинтириб, ҳатто турли-туман совғалар уюштирадилар. Бу билан боласининг келгуси тараққиётини бузаттганликларини ўйлашни ҳам ёқтирмайдилар. Фарзанднинг

ёшлигидан ўзи истаган ишларни қилишига, ўзи истаган кийимни кийишига ёки ўзи истаган буюмларни олиб беришга ўргатмаслик керак. Унинг ҳаракатларини доимо назорат қилиш, нотўғри ҳаракатини, қилаётган хатосининг оқибатларини тушунтириб бориш лозим. Фарзанднинг одоб-аҳлоқи, муомаласи, кийиниши, қизиқишиларига доимо жиддий эътибор бериб бориш ҳозирда ота-оналар олдидағи масъулиятли вазифадир.

Ота-она якка фарзанднинг тарбиясига ниҳоятда кўп вақт ажратади, лекин кўп ҳолларда салбий натижа кўришади. Оилада якка фарзанд тарбиясидаги камчилик натижалари бола ўсмирлик ёшига етганида бирдан юзага чиқади, ва, ниҳоят, бу камчилик ўсмир ўсиб, улғайиб, ўзи оила қурганда янада яққолроқ намоён бўлади.

Бундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун фарзандни ёшлигидан бошлаб кучи етадиган ишларга жалб этиш, яъни уй юмушларини бажариш, уй ҳайвонларини парваришлапша яқиндан ёрдам беришга ўргатиш лозим.

Уни мактабда, коллежда, маҳаллада уюштириладиган тадбирлар, ҳашарларга жалб этиш, меҳнатсеварликка, дўстликка, инсонпарварликка, ватанпарварликка ўргатиш лозим.

Тарбиянинг самарадорлиги оиладаги болалар меҳнати, уларнинг уй хўжалигидаги фаол иштироки, шунингдек, оилавий турмуш шароитлари билан белгиланади. Болаларни катталарга ҳурмат, дўстлик, инсонийлик, ҳалоллик каби одоб қоидаларига ўргатиб борилади. Шу асосда оилада кундалик иш давомида болаларда хулқ-автор мезонларини қарор топтириб боради. Худди ана шу хулқий мезонлар асосида кейинчалик ахлоқнинг мураккаб шакллари-жамоатчилик, ватанпарварлик, ҳаётнинг ижтимоий- сиёсий томонларига қизиқишининг дастлабки шаклланиш жараёни давом этади. Оиладаги ахлоқий тарбия фақат хулқни тарбиялаш билан чекланмасдан, балки баркамол инсон ахлоқини тўғри тасаввур қилдиради, унинг таркиби, қўникма ва малакаларини шакллантиради. Мана шу асосда оила аъзоларида инсон ҳарактери, ҳаёт босқичлари қарор топади. Оилавий ҳаётнинг ўзига хослиги ҳам мана шунда. [4]

Ҳозирги кунда ота-оналар ҳал қилишлари ниҳоятда зарур бир қанча тарбиявий муаммолар мавжуд. Бундай муаммолар нотўлиқ оилаларда нисбатан кўп бўлиб, улар болаларнинг руҳий камолотида намоён бўлмоқда. Ота-оналар эса ҳар доим ҳам бу ҳолатни билиб, тўғри тушунавермайдилар. Баъзан эса болалар ҳам ақли етадиган масалалар бўйича катталарга мурожаат этмасликлари, масалани ижобий ҳал этмасликлари натижасида оналари ёки катта ёшдаги кишилар ҳаётини, турмушини мушқул ахволга солиб қўядилар.

Biz XXI asr – globallashuv davrida yashamoqdamiz. Bugun hayotimizni smartfon, planshet, navigator, kompyuter, axborot kommunikatsiya vositalarisiz tasavvur qila olmaymiz. Ayniqsa, global kompyuter tarmog'i — Internet ijtimoiy hayotimizning bir bo'lagiga aylanib ulgurgan, undan barcha birdek foydalanmoqda. Ushbu texnologiyalarning ijtimoiy rivojlanishdagi ta'sirini har doim ham ijobiy deb bo'lmaydi. Shuning uchun ham ota-onalar

oldida yana bir muhim vazifa — farzandlarining axborot texnologilari, kommunikatsiya tarmoqlaridan oqilona foydalanishlarini nazorat qilishlaridir. Internet orqali yot, buzg'unchi g'oyalarning kirib kelishi (diniy ekstremizm, millatchilik, irqchilik, sadizm misolida); g'"arbona yashash tarziga xos, lekin o'zbek mentalitetiga zid g'oyalar, qarashlarning yoshlarga ta'siri (kiyinish, chekish, pirsing, tatuirovkalar va hokazo). Shuning uchun ota-onalar farzandlarning Internetdan foydalanishlarini doimo nazorat qilib borishlari bugungi kundagi eng dolzard vazifalardan biridir.

Оила тарбиясини самарали ташкил этиш, унинг мазмунида илгор, таъсирчан, болаларда ўз-ўзига ишонч, олга интилиш, тиришқоқлик, турли фаолиятни ташкил этишда катъиятли бўлиш, улардаги хавотир ва қўрқув ҳиссини бартараф этиш, мустақил фикрлай олиш, ўз қарашларини эркин баён эта олиш ва уни исботлай билиш каби сифатларни тарбиялашга ёрдам берувчи тарбия методларидан кенг фойдаланишга имкон берувчи шарт-шароитларни илмий асосда ўрганиш бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ўзига хос долзарблик касб этади.

Ота-оналар фарзандларининг одобли-аҳлоқли, билимли, маънавиятли, комил инсон бўлишини истайдилар ва бунинг учун ҳаракат қиласидилар. Шундай экан, ҳар бир фарзанд ҳам ота-онасининг орзу-истакларини руёбга чиқариши лозимлигини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши кераклигини англаши лозим. Ота-оналар фарзандлари учун яшайдилар, уларни камолга етишишлари учун тинмай меҳнат қиласидилар. Фарзандлар ҳам буни англаган ҳолда ҳаётларини йўлга қўйишлари, фарзандлик бурчлари бажаришлари, келажақда ота-онага раҳмат олиб келадиган солиҳ ва солиҳа фарзандлар бўлишга интилишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Мавлонова, Б.Нормуродова. “Тарбиявий ишлар методикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент, “ФАН” 2008 й.
2. Шодмонова Ш., Тилобова Н. “Тарбиявий ишлар услубиёти” ўқув предметидан таълим технологияси – Т.: ТДИУ, 2006 й.
3. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси – Т.: Истиқлол, 2003 й.
4. Мавлонова Р.А., Тўраев О.Т., Хасанбоева О, Холиқбердиев К.М. –“Педагогика” Т., “Ўқитувчи” – 1998 й.
5. Халилов О. К., Маматкулов Б. Х., Нуруллаева Г. О. ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ //1 ТОМ. – С. 416.
6. Xalilov O. Q. Buyuk sharq allomalarining jahon sivilizatsiyasiga qo ‘shgan hissasini o ‘rganish //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 1016-1020.
7. Халилов О. К., Бобонов Д. Т. ПРИГОТОВЛЕНИЕ ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ МАТЕРИАЛОВ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 197-203.

8. Xalilov O. Q., Bobonov D. T. GOALS AND OBJECTIVES OF LABORATORY WORK IN TEACHING CHEMISTRY AND PHYSICS COURSE //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 199-203.
9. Халилов О. Қ., Бобонов Д. Т. КИМЁ ВА ФИЗИКА КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 199-203.
- 10.Мустафакулов А. А., Халилов О. К., Уринов Ш. С. Цель и задачи самостоятельной работы студентов. – 2019.
- 11.Khamdamova Н. THE METAPHORICAL NATURE OF WORDS SPECIFIC TO THE NOUN PHRASE //СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ НАУКИ, ОБЩЕСТВА И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2021. – С. 152-154.
- 12.Xamdamova X. SPEAKING A FOREIGN LANGUAGE-AS A KEY TO FURTHER SELFIMPROVEMENT //Конференции. – 2021.
- 13.Shukrillaevna X. X. HEALTHY LIFESTYLE FOR WOMEN IN THE FAMILY FORMATION //Конференции. – 2020.
- 14.Jumanazarova G., Hamdamova K. Metaforalization of Lexemas Specifically in the Doston" Rustamkhon" //International Journal of Social Science Research and Review. – 2022. – Т. 5. – №. 5. – С. 136-140.
- 15.Makhammadjanovna M. M. APPEARANCE OF MAKSUD KARYIEV'S STYLE IN" IBN SINO" NOVEL //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 5. – С. 10-12.
- 16.Mahammadjanovna M. M. et al. The Role and Importance of Games in the Development of Children's Speech //International Journal of Culture and Modernity. – 2021. – Т. 11. – С. 249-251.
- 17.Mahammadjanovna M. M. et al. Games used to Develop the Speech and Creative Thinking of Preschool Children //International Journal of Culture and Modernity. – 2021. – Т. 11. – С. 263-267.
- 18.Mahammadjanovna M. M. et al. Ways and Principles of Developing Inclusive Education in Preschool Organizations //International Journal of Culture and Modernity. – 2021. – Т. 11. – С. 274-279.
19. Mamurova M. STYLISTIC PECULIARITIES OF MAKSUD KORIEV'S STORIES.
- 20.Халилов О. К., Маматкулов Б. Х., Нуруллаева Г. О. ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ //1 ТОМ. – С. 416.
- 21.Xalilov O. Q. Buyuk sharq allomalarining jahon sivilizatsiyasiga qo ‘shgan hissasini o ‘rganish //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 1016-1020.